

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВ ИБРАГИМЖОН ТОШПУЛАТОВИЧ

ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ ҲАВЗАСИНИНГ ЎСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИ

03.00.05–Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

ОглавлениЕ автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Азимов Ибрагимжон Тошпулатович

Охангарон дарёси хавзасининг ўсимликлар қоплами..... 5

Азимов Ибрагимжон Тошпулатович

Растительный покров бассейна реки Ахангаран 21

Azimov Ibragimjon Toshpulatovich

The plant cover of Akhangaran river basin 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВ ИБРАГИМЖОН ТОШПУЛАТОВИЧ

ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ ҲАВЗАСИНИНГ ЎСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИ

03.00.05–Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/V183 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.floruz.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович
биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Ташханим Раҳимова
биология фанлари доктори, профессор

Раджабов Тошпулат Файзуллаевич
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ботаника ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.В.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «3» август куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2018 йил «13» июль куни тарқатилди.
(2018 йил «13» июлдаги 6-сон реестр баённомаси).

О.К. Хожиматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, б.ф.д.

Б.А. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Ф.О. Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда аҳоли сонининг ортиши ва ер майдонларининг ўзлаштирилиши табиий ресурслар, жумладан, ўсимлик ресурслари хилма-хиллигининг камайиши ва йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бу ўринда табиий ўсимлик қопламининг антропоген трансформацияси ўсимлик ресурслари деградациясининг муҳим кўрсаткичи сифатида қаралади. Бу эса ўсимлик қопламидаги антропоген сукцессия жараёнларини аниқлаш ва унга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди. Шунга кўра, табиий ўсимлик қопламидаги ўзгаришларни асослаш ва замонавий ҳолатини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда локал ҳудудлардаги ўсимликлар қоплами таркибини алоҳида тавсифлаш, ўсимликлар қопламининг ресурс имкониятларини баҳолаш ва қопламда юз бераётган жараёнларни мониторинглаш тадқиқотларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, антропоген босим кучли бўлган минтақаларда ўсимлик қопламида юз бераётган ўзгаришларни аниқлаш ундаги табиий-географик ва антропоген омиллар уйғунлигидаги сукцессия жараёнларини тўғри изоҳлаш имкониятини беради. Бу ўринда, Марказий Осиёдаги ўсимлик биохилма-хиллигининг марказларидан бўлган Фарбий Тиёншондаги Чотқол ва Қурама тизмалари оралиғида жойлашган Оҳангарон дарё ҳавзаси, бир томондан, Ўрта Осиёдаги барча баландлик минтақалари ўсимликлар типларининг мавжудлиги ва уларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Иккинчи томондан эса, ҳудудда йиллар давомида қарор топган антропоген босимнинг мавжудлиги Оҳангарон дарёси ҳавзасининг ўсимликлар қопламини тўлиқ инвентаризациялаш ва замонавий картография усуллари кўллаш орқали фитоценотик хилма-хиллигидаги ўзгаришларни баҳолаш тадқиқотларини йўлга қўйишни белгилаб бермоқда. Шунга кўра, Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қопламининг ҳозирги ҳолатини тавсифлаш, унинг трансформация даражасини аниқлаш ва ўсимлик қопламини хариталаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда ўсимликлар қоплами ҳолатини баҳолаш, яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни амалга ошириш, ҳолати ёмонлашган ва деградацияга учраган майдонларни тиклаш ёки консервация қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, йирик тоғ-ўрмон қўриқхоналарининг ўсимлик қоплами хариталарини тузиш, чўл яйловлари ҳолатини баҳолаш ва инкирозга учраган яйловлар ҳолатини амалий яхшилаш юзасидан муҳим натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорида¹ «... яйлов ва пичанзорлар деградациясининг олдини

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон «Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.

олиш мақсадида геоботаник тадқиқотларни амалга ошириш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Оҳангарон дарё ҳавзаси ўсимликлар қопламининг фитоценотик тузилишини аниқлаш, трансформация даражасини баҳолаш, қопламдан оқилона фойдаланиш истиқболларини белгилаш, инвентаризацион харитасини тузиш ва уни амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги 5209-сон «Ўзбекистон Республикасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон «Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарориди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълум бир табиий ҳудудлардаги ўсимликлар қоплами таснифлаш ва таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар хорижлик олимлар Stephen V. Cooper & al. (1997), ўсимликлар қоплами ва уларнинг иқлим ўзгаришларидаги трансформацияси бўйича тадқиқотлар И.В. Волков (2013), табиий ҳудудлардаги ўсимликлар қопламини таснифлаш ва уларнинг хариталарини тузиш J. Ronald (2005) томонидан яратилган. МДХ мамлакатларида табиий ҳудудларнинг ўсимликлар қоплами ва флорасига бағишланган тадқиқотлар С.А. Линвинская (2004), Р.Н. Ионов, Л.П. Лебедова (2005), Н.И. Науменко (2008), Б.М. Миркин (2010), Н.А. Зеленкевич ва бошқаларнинг (2016) илмий асарларида кўриш мумкин.

Оҳангарон дарёси ҳавзаси флораси ва ўсимликлар қоплами Е.П. Коровин (1962), Н.И. Акжигитова (1984), К.С. Афанасьев (1956), А.Я. Бутков (1959), Р.С. Верник, Р.Д. Мельникова (1986), Ш. Камолов (1969), Г.Т. Сидоренко (1950), З.А. Майлун (1969), В.Н. Павлов (1971), А.У. Усманов (1953), О.Х. Хасанов (1962) ва бошқаларнинг ишларида умумий Ғарбий Тиёншон таркибида амалга оширилган.

Юқоридаги тадқиқот ишлари Оҳангарон дарёси ҳавзаси флораси ва ўсимликлар қоплами трансформациялаш ҳолатини баҳолаш, ўсимликлар қопламининг типлар бўйича таркибини аниқлаш, уларнинг биотоплар бўйича тақсимланиши ва ҳудуд флораси таркибидаги камёб ҳамда йўқолиб кетаётган турлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш,

Ўсимликлар қопламининг хариталаш бўйича маълумотларни тўлиқ ўзида акс эттира олмайди. Шунга кўра, Оҳангарон дарёси ҳавзаси флораси ва ўсимликлар қоплами трансформация ҳолатини баҳолаш, ўсимликлар қопламининг фитоценотик тузилишини аниқлаш, уларнинг биотоплар бўйича инвентаризацион харитасини тузиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А7-ФА-0-19606 «Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлаштириш ва унинг ўсимликлар хилма-хиллигининг маълумотлар базасини яратиш. I қисм. Тоғлиўртаосиё провинцияси» (2012-2014) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қоплами ва унинг трансформация даражасини аниқлаш ҳамда йирик масштаби харитасини тузишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Оҳангарон дарёси ҳавзасининг флористик таркибини таҳлил қилиш;
ҳавза ўсимликлар қопламининг фитоценотик тузилишини аниқлаш ва минтақалар бўйлаб тарқалишини таснифлаш;

тик минтақалар бўйича кенг тарқалган ўсимлик жамоаларининг замонавий ҳолатини аниқлаш;

ўсимликлар қопламининг йирик масштаби харитасини тузиш ва унинг изоҳини ишлаб чиқиш;

ўсимлик жамоаларида рўй берган трансформация жараёнларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қоплами, унинг антропоген, техноген ва табиий модификацияси ҳисобланади.

Тадқиқот предмети геоботаника, картография ва ўсимликлар экологияси ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда анъанавий геоботаника, дала тадқиқотлари, географик ахборот тизими ва замонавий хариталаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Оҳангарон дарёси ҳавзасида 69 оила, 304 туркумга мансуб 725 тур конспекти ишлаб чиқилган;

ҳавза ўсимликлар қопламининг фитоценотик хилма-хиллиги таснифланган ва 4 минтақадаги 93 ассоциация, 21 формация ва 13 ценотиплар асосланган;

илк бор Ўзбекистон ўсимликлар қоплами учун 1 та янги формация ва 2 та ассоциация аниқланган;

кенг тарқалган 9 та формацияларнинг адвентив турлар асосидаги трансформация даражалари асосланган;

ўсимликлар қопламида юз бераётган антропоген сукцессия жараёнлари

очиб берилган;

ўсимликлар қопламининг тик минтақалар бўйича тарқалишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва уларнинг 42 та муҳофазага муҳтож бўлган ҳудудлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор АФС ва КФС маълумотлари асосида Оҳангарон ўсимликлар қоплами (М1:200000) харитаси тузилган ва топо-типологик принцип асосида хаританинг кўп босқичли изоҳи ишлаб чиқилган. Тузилган харитада 25 та картографик бирликлар (серия, уйғун бирлик, мажмуа, ассоциация), 21 та формация, 13 та ценотип, 42 та антропоген модификациялари А, Б, В индексларда кўрсатиб берилган;

Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қопламида Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган 37 та камёб ва йўқолиб бораётган турларнинг ўсиш жойлари, уларнинг GPS координаталари аниқланган ва ГАТ хариталари тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда қўлланилган замонавий усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, тадқиқотлар давомида йиғилган гербарий намуналарининг Марказий гербарийда (TASH) сақланаётганлиги, диссертация тадқиқотининг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти Оҳангарон дарёси ҳавзасини ўсимликлар қоплами тик минтақалар бўйича тарқалишининг ўзига хос хусусиятларини исботланганлиги, антропоген таъсир остида ўсимлик жамоаларида рўй бераётган ўзгаришларни очиб берилганлиги ва трансформацияси даражаларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти спутник маълумотлари ҳамда бошқа замонавий ГАТ усулларида фойдаланган ҳолда ўсимликлар қоплами хариталарини тузиш, ўрмончилик ерлари ҳудудларидаги камёб ва йўқолиб кетиш арафасидаги ўсимлик турларини муҳофазалаш, ўсимликлар қопламини қиёсий баҳолаш ва унда юз бераётган антропоген сукцессия жараёнлари моҳиятини аниқлаш ҳамда баҳолашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оҳангарон дарёси ҳавзасининг ўсимликлар қопламини тадқиқ қилишдан олинган илмий натижалар асосида:

йирик масштаби (М1:200000) “Оҳангарон ҳавзаси ўсимликлар қопламининг харитаси” ва унинг изоҳи “Геоинформкадастр” Давлат унитар корхонаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва Давлат кадастри Давлат қўмитасининг 2018 йил 5 майдаги 05-3465-сон маълумотномаси). Натижада антропоген-динамик ҳудудларнинг баландлик минтақалари бўйича ўсимликлар қоплами

хариталарини тузиш, уларнинг чўлланиш даражаларини аниқлашда репер сифатида фойдаланиш ҳамда экстрополяция қилиш имконини берган;

“Оҳангарон ҳавзаси ўсимликлар қопламининг харитаси” (М1:200000), шунингдек, ўсимликлар қопламининг фитоценотик хилма хиллигини сақлаб қолиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2018 йил 17 январдаги №03-01/12-417-сон маълумотномаси). Натижада воҳа худудида тарқалган ўсимлик жамоалари деградиясини аниқлаш, трансформация даражасини баҳолаш, камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик турларини муҳофаза қилиш чоратadbирлари самарадорлигини ошириш имконини берган;

Оҳангарон дарёси ҳавзасининг 60 оила, 700 турга мансуб 980 нусхадаги гербарий намуналари Ботаника институти Марказий гербарийси (TASH) Ноёб объектига топширилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 01 июндаги 4/1255-1488-сон маълумотномаси). Намуналар Ноёб объектнинг Фарбий Тиёншон округи, Қурама ва Арашон ботаник-географик районлари фондиди бойитган ҳамда FLORUZ ахборот-таҳлил базасини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумлада, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида Оҳангарон ҳавзасида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, шунингдек ҳавза ўсимликлар қопламининг ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оҳангарон дарёси ҳавзасининг географик жойлашиши, табиий шароитлари, тадқиқот объекти, методлари”** деб

номланган биринчи бобида Оҳангарон дарёси ҳавзасининг табиий-географик ўрни ва Ғарбий Тиёншон тоғлар тизими таркибидаги Қурама ва Чотқол тизмалари орасида жойлашган Оҳангарон дарёси ҳавзасининг табиий шароити ва иқлимнинг ўзига хос хусусиятлари тавсифланган.

Диссертациянинг “**Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қопламининг ҳолати**” деб номланган иккинчи бобида ўсимликлар қопламининг ўрганилиш даражаси таҳлил қилинган.

Чирчиқ – Оҳангарон дарёси ҳавзалари ўсимликлар қоплами тўғрисидаги дастлабки маълумотлар ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб тўпланган ва асосан Е.П. Коровин (1946), В.П. Дробов (1950, 1953), С.Е. Коровин (1951), Г.Т. Сидоренко (1953), А.У. Усманов (1953), И.М. Культиасов (1958), Н. Темирбоев (1963), А.Я. Бутков (1969), З.А. Майлун (1969), Н.И. Акжигитова (1976), У. Алланазарова (1984), В.Н. Павлов (1980), С.У. Гимадиева (1984), Н.Г. Харин (1985) асарларида учратиш мумкин. Чотқол ва Қурама тизмалари бўйлаб ҳавза флорасининг таркиби борасидаги охириги маълумотлар К.Ш. Тожибаев (2010) томонидан келтирилган.

Юқорида санаб ўтилган адабиётларда Оҳангарон дарёси ҳавзасининг ўсимликлар қоплами тўғрисидаги умумий маълумотларни келтириш билан чекланилган ва аксарият ҳолатларда уни Ғарбий Тиёншоннинг таркибий қисми сифатида баҳолаш орқали кифояланилган.

Диссертациянинг “**Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қопламининг таснифи**” деб номланган учинчи боби ўсимликлар қопламининг асосий таксономик бирликларини ажратиш ва уларнинг тўлиқ таснифига бағишланган. Ўсимликлар қопламининг таснифи Е.П. Коровин (1961) ва П.Қ. Зокиров (1989) таклиф этган таснифи бўйича келтирилди. 2000-2016 йилларда олиб борилган дала тадқиқотлари ва уларнинг камерал таҳлили бўйича П.Қ. Зокиров (1989) таснифига айрим ўзгартиришлар таклиф этилди ва ҳавза ўсимликлари қопламининг фитоценологик тузилиши илк бор таснифланди.

Ўсимлик қопламининг фитоценотик хилма-хиллиги П.Қ. Зокиров (1989) таснифи бўйича 4 тип, 6 кенжа тип, 13 ценотип, 21 формация, 93 ассоциациялардан иборат эканлиги аниқланди.

Қуйида Оҳангарон ҳавзаси ҳудудида аниқланган формациялар ва уларнинг таркибига кирувчи ассоциациялар келтирилган.

Тип. Чўл. **Кенжа тип.** Аргилофил. **Ценотип.** Эфемерзорлар.

Формация. Қилтиқзор – *Taeniathereta crinita*.

Ассоциациялар. Йирик ўтли – кўнғирбошли – рангли қилтиқзор, Аралаш ўтли – эфемероидли – қилтиқзор, Бегона ўтли – эфемероидли – қилтиқзор.

Формация. Ялтирбошзор – *Anisantheta tectorum*.

Ассоциациялар. Йирик ўтли – кўнғирбошли – ялтирбошзор, Қуёнарпали – қасмалдоқли – ялтирбошзор, Читирли – какрали – кўнғирбошли ялтирбошзор.

Формация. Қуёнарпазор – *Hordeeta leporinum*.

Ассоциациялар. Аралаш ўтли – ялтирбошли – куёнарпазор, Янтоқли – қасмалдоқли – куёнарпазор, Йирик ўтли – читирли – куёнарпазор

Формация. Қасмалдоқзор – *Aegilopseta triuncialis*.

Ассоциациялар. Қўзиқулоқли – рангли – қасмолдоқзор, Какрали – оққурайли – ялтирбошли – қасмолдоқзор.

Тип. Адир. **Кенжа тип.** Аргилофил. **Ценотип.** Эфемероидзорлар.

Формация. Рангзор – *Cariceta pachystylis*.

Ассоциациялар. Какрали – эфемерли – рангзор, Баланд ва бегона ўтли – эфемерли – янтоқ аралаш – рангзор, Баланд ўтли – эфемерли – қасмолдоқли – рангзор, Баланд ўтли – андиз аралаш – қасмолдоқли рангзор, Аралаш ўтли ширачли – эфемерли – рангзор, Какрали – қилтиқли – эфемерли – рангзор, Оққурайли – эфемерли – рангзор, Янтоқли – ширачли – рангзор, Карракли – ялтирбошли – қўнғирбошли – рангзор, Қуёнарпали – қўзиқулоқли – эфемерли – рангзор, Қўнғирбошли – какрали – куёнарпали – рангзор.

Формация. Қўнғирбошзор - *Poeta bulbosae*.

Ассоциациялар. Рангли – аралаш ўтли қўнғирбошзор, Янтоқли – бегона ўтли – эфемерли – қўнғирбошзор, Йирик ўтли – бута аралаш – қўнғирбошзор, Бегона ўтли – эфемерли – қўнғирбошзор

Тип. Адир. **Кенжа тип.** Адир дашти. **Ценотип.** Ўт ўсимликлар

Формация. Тоғарпазор – *Hordeeta bulbosae*.

Ассоциациялар. Аралаш ўтли – бутали – тоғ арпазор, Йирик ўтли – буғдойиқли – тоғарпазор, Эфемероидли – бегона ўтли – тоғарпазор, Буғдойиқли – бутали – тоғарпазор, Бегона ўтли – ширачли – тоғарпазор, Аралаш ўтли – тоғарпазор, Йирик ўтли – буғдойиқли – тоғарпазор.

Формация. Буғдойиқзор – *Agropyreta trichophorae*.

Ассоциациялар. Аралаш ўтли – янтоқ аралаш буғдойиқзор, Йирик ўтли – айрим жойларида бута аралаш буғдойиқзор, Аралаш ва бошоқ ўтли – буғдойиқзор, айрим ерларда эфемерлар аралаш, Тоғрайҳонли - кийиқўтли – тоғарпали –буғдойиқзор, айрим ерларда бошоқ ўтли – шаирзор аралаш, Шувокли – афсонак аралаш –буғдойиқзор, айрим жойларда буғдойиқли – аралаш ўтли бодомчазор, Айрим жойларида буталар аралаш – аралаш ўтли буғдойиқзор, Йирик ўтли – шувокли – бута аралаш буғдойиқзор, Эфемерли – бегона ўтли – бута аралаш – буғдойиқзор, Аралаш ўтли – эфемероидли – эфемерли – буғдойиқзор, Аралаш бутазор орасида шувокли – буғдойиқзор, Карракли – тоғарпали – тоғрайҳонли – буғдойиқзор, Шаирли – эфемероидли айрим жойларида дарахт ва бута аралаш буғдойиқзор, Аралаш ўтли – шаширли – буғдойиқзор, айрим жойларида наъматаклар аралаш.

Формация. Бузоқчиргзор – *Botriochloeta ischaemi*.

Ассоциациялар. Аралаш ўтли – эфемерли – бузоқчиргзор, Эфемерли – бузоқчиргзор.

Тип. Ўрта тоғ. **Кенжа тип.** Тоғ мезофил. **Ценотип.** Кенг баргли дарахт ва бутазорлар.

Формация. Аралаш дарахт ва бутазорлар – *Mixtodendra*,

Mixtoritherothama.

Ассоциациялар. Аралаш ўтли – буғдойиқли – дарахт аралаш бутазор, Бутали – шаширли – шаирли – аралаш дарахтзор, Йирик ўтли – шувокли – дарахт аралаш – бутазор, Тоғрайхонли – буғдойиқли – аралаш бутазор, айрим жойларида дарахтлар аралаш, Шувокли – йирик ўтли – буғдойиқли – тоғ арпали - бутазор, Айрим жойларида буғдойиқли – дарахтли – аралаш бутазор.

Формация. Дўланазор – *Crataegata turkestanicae*.

Ассоциациялар. Бута аралаш – буғдойиқли – дўланазор

Тип. Ўрта тоғ. **Кенжа тип.** Тоғ мезофил. **Ценотип.** Арчазорлар.

Формация. Қораарчазор – *Junipereta zerafschanicae*.

Ассоциациялар. Шувокли – буғдойиқли – қораарчазор, Аралаш ўтли – шаширли – айрим жойларида саурарча аралаш қораарчазор, Бутали – буғдойиқли – қораарчазор, Аралаш ўтли – буғдойиқли – айрим ерларда бута аралаш қораарчазор, Бутали – аралаш ўтли – шаширли – қораарчазор, Шувокли – дарахт ва бутали – тошлар орасида кирпи ўт аралаш қораарчазор, Аралаш ўтли – тоғ арпали – қораарчазор, Бетагали – қораарчазор, Шувокли – бетагали – аканталимонли – тиконёстикчали – аралаш арчазор, Шаширли – шаирли – қораарчазор, Тоғ карракли – бетагали – қораарчазор, Аралаш ўтли – бетагали – қораарчазор, Шаширли – шаирли – аралаш ўтли – қораарчазор, Бутали – бегона ўтли – бетагали – қораарчазор.

Тип. Баланд тоғ. **Кенжа тип.** Альп ўтлоқлари. **Ценотип.** Тиконёстикчазор.

Формация. Корольков кирпиўтзори – *Acantholimoneta korolkovii*.

Ассоциациялар. Тиконёстикчали – Корольков кирпи ўтзори, Бетагали – аралаш ўтли – Корольков кирпи ўтзори, Аралаш ўтли – тиконёстикчали – Корольков кирпи ўтзори, Бетагали – тоғ карракли – Корольков кирпи ўтзори, Трагантли – шувокли – Корольков кирпи ўтзори.

Тип. Баланд тоғ. **Кенжа тип.** Альп ўтлоқлари. **Ценотип.** Баланд бўйли ўтлоқлар

Формация. Шаширзорлар – *Prangeta pabulariae*.

Ассоциациялар. Аралаш ўтли – шаширзор, Аралаш ўтли – тоғ карракли – бута аралаш шаширзор, Аралаш ўтли – шаирли – шаширзор.

Формация. Шаирзорлар – *Feruleta tenuisectae*

Ассоциациялар. Лигулярияли – шаирзор, паст бўйли Альп ўтлоқлари аралашган, Бошоқ ўтли – шаширли – шаирзор.

Тип. Баланд тоғ. **Кенжа тип.** Альп ўтлоқлари. **Ценотип.** Паст бўйли ўтлоқлар

Формация. Лаготисзорлар – *Lagotieta korolkovii*.

Ассоциациялар. Аралаш ўтли – лаготисзор, Анжаборли – айиқтовонли - лаготисзор.

Тип. Баланд тоғ. **Кенжа тип.** Альп ўтлоқлари. **Ценотип.** Чимланган дашт.

Формация. Бетагазорлар – *Festuca valesiaca*

Ассоциациялар. Шувоқли – бетагазор, Тоғ карракли – тиконёстикчали – бетагазор, Акантолимонли – гуликзардакли – бетагазор, Аралаш ўтли – шувоқли – бетагазор, айрим жойларида кирпичтзор аралаш, Лаготисли – айрим жойларида лигулярия аралаш – бетагазор.

Тип. Дарё соҳиллари. **Кенжа тип.** Тўқайзорлар. **Ценотип.** Дарахт-тўқайлар.

Формация. Толзор – *Saliceta songoricae*.

Ассоциациялар. Бутали – жийдали – толзор, Аралаш ўтли – юлгинли – толзор.

Тип. Дарё соҳиллари. **Кенжа тип.** Тўқайзорлар. **Ценотип.** Бута-тўқайлар

Формация. Юлғунзор – *Tamariecta hispidae*.

Ассоциациялар. Аралаш ўтли – шўражрикли – юлғунзор, Янтокли–шўрали юлғунзор.

Тип. Дарё соҳиллари. **Кенжа тип.** Тўқайзорлар. **Ценотип.** Ўт – тўқайлар

Формация. Қамишзор – *Phragmiteta austalis*.

Ассоциациялар. Шўрали – янтокли – юлгин аралаш – сийрак қамишзор, Бутали – аралаш ўтли – сийрак қамишзор.

Тип. Дарё соҳиллари. **Кенжа тип.** Тўқайзорлар. **Ценотип.** Аралаш тўқайлар

Формация. Аралаш тўқайзор

Ассоциациялар. Қамишли – гавпечакли – ажрикли – бутали аралаш дарахтзор.

Тадқиқотлар давомида илк бор Оҳангарон ҳавзаси ҳудудида *Botriochloa ischaetum* (L.) H. Keng. доминантлик қиладиган Бузоқчиргзор формацияси (*Botriochloeta ischaemi*) мавжуд эканлиги аниқланди ва унинг таркиби, тузилиши ва тарқалган майдонлари тавсифланди.

Шундай қилиб, тадқиқотларимиз натижасида ҳудуд ўсимликлар қопламининг фитоценотик хилма хиллиги таснифга солиниб, унинг 4 та тип, 13 ценотип, 21 формация ва 93 ассоциациялардан иборатлиги қайд этилди. Шунингдек, 69 оила, 304 туркумга мансуб 725 турдаги юксак ўсимликлар таркиби аниқланди. Уларнинг 67% дан ортиқ қисми турлар сони бўйича етакчи ҳисобланган 10 та оила таркибига киради (1-жадвал).

1-жадвал

Оҳангарон ҳавза флораси таркибидаги етакчи оилалар


№	Оилалар	Сони		% ҳисобида
		тур	туркум	
1	Asteraceae	109	40	22,2
2	Fabaceae	86	32	17,6
3	Brassicaceae	53	20	10,8
4	Rosaceae	51	17	10,4
5	Poaceae	46	17	9,4
6	Lamiaceae	34	14	6,9

7	Caryophyllaceae	31	14	6,3
8	Ranunculaceae	28	13	5,8
9	Apiaceae	26	12	5,3
10	Polygonaceae	26	9	5,3
Жами:		490	188	100

Ўсимлик жамоалари таркибида 9 та биоморфологик гуруҳлар мавжудлиги аниқланиб, уларнинг ҳаётий шакллариغا кўра: дарахтлар – 34, буталар – 59, яримбуталар – 25, бутачалар – 10, яримбутачалар – 10, кўп йиллик ўтлар – 369, икки йиллик ўтлар – 24, бир-икки йиллик ўтлар – 8, бир йилликлар – 186 турдан иборат эканлиги қайд этилди (1-расм). Ўсимликлар қопламида кўп ва бир йиллик ўт ўсимликлар сонининг кўплиги (565 ёки 78%) Ўрта Осиё тоғларига хос қонуниятдир. Бу эса уларнинг Ўрта ер денгизининг шарқий қисми флорасига ўхшашлигидан дарак беради.

Диссертациянинг “**Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қопламининг харитаси**” деб номланган тўртинчи боби ўсимлик қопламининг таксономик бирликларини ажратиш асосида ва ҳар бир бирликларнинг флора таркиби, доминант турларнинг ҳаётий шакллари, мавсумий ўзгаришлар каби параметрларга таянган ҳолда хариталашга қаратилган.

Ўсимликлар қопламини хариталаш геоботаник тадқиқотларнинг энг муҳим натижаларидан бири бўлиб, мазкур бобнинг биринчи бўлимида Оҳангарон ҳавзаси ўсимликлар қопламининг тадқиқотлар давомида аниқланган таксономик бирликларини тарқалиш хусусиятлари, уларни антропоген омиллар таъсири натижасида трансформацияланиш даражалари ёритиб берилган.



1-расм. Оҳангарон ҳавза флорасининг ҳаётий шакллари бўйича тақсимланиши, %

Ўсимликлар қопламининг харитасини тузиш давомида анъанавий


геоботаник услублардан ҳам кенг фойдаланилди. Жумладан, тадқиқотларнинг дастлабки йиллари давомида (2000-2005 йй.) худуд учун тегишли бўлган аэрофотосуратлар, космофотосуратлардан фойдаланилган бўлса, кейинги босқичларда (2005-2016 йй.) эса замонавий методларнинг уйғунлигида олиб борилди (Landsat T.M.1989, Resurs 1998, 2001, NOAA 2000, Terra Modis).

Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг энг асосий натижаси бўлган “Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қопламанинг харитаси” М 1:200 000 масштабда тузилди ва унинг изоҳи ишлаб чиқилди (2-расм). Харитада 25 та картографик бирликлар ва ўсимликлар қопламанинг муҳофаза талаб майдонлари келтирилган бўлиб, улар: **А** (кам даражада, 20–25% гача), **Б** (ўртача даражада, 30–35% гача) ва **В** (юқори даражада, 75 (80)% гача) индексларда белгилаб берилди. Ҳар бир индекслар бўйича ўсимликлар қопламидаги чўлланиш даражасини олдини олиш ҳамда ўсимликлар қопламини қайта тиклаш, муҳофаза қилиш йўллари кўрсатилган. Олинган маълумотлар ўсимликлар қопламидан келажақда унумли фойдаланиш йўллари белгилаш, ўхшаш ҳавзаларга экстрополяция қилиш имконини беради.

Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қоплами харитасининг изоҳи ва картографик белгилар:

1. (2-1.) Аралаш ва бошоқўтли – торонзор, айрим жойларда торонли – бетагазор, бетагазор дашти, паст бўйли ўтлоқларда: аралашўтли – айиқтовонзор, қоятошли ёнбағирларда – пуччинеллазор. **2. (2-2.)** Лаготисли – лигуляриязор, лаготисли – торонзор, бетагали – пуччинелали – торонзор, булоқ бўйи ўтлоқларида паст бўйли ўт аралаш – тоғқаракзор; **3. (3-1.)** Аралаш ва бошоқўтли – бетагазор, лаготисли – бетагазор, бетагали – тоғ қарракзор жамоасида паст бўйли ва ўрта бўйли ўтлар аралаш; **4. (3-2.)** Пуччинеллали – бетагазор дашти, айрим ерларида паст бўйли аралаш ўтлар билан, пастдаги ўтлоқларда торонзор аралаш, шағалли очик ёнбағирларда бетагали – акантолимонли – тоғ қарракзор аралаш; **5. (3-3.)** Аралашўтли – бетагазор дашти, айрим ерларда иккиламчи шеролғин аралаш, айрим жойларда лигуляриязор, аралашўтли – айиқтовонзор, аралашўтли – рангзор, булоқ бўйларида ботқоқли ўтлоқ, жанубий ёнбағирларда бетагали – шаширзор; **6. (4-5.)** Тошли, шағалли ёнбағирларда бетагали – акантолимонли – тиконёстикчазор, тик ёнбағирларда шеролғин аралаш; **7. (5-3.)** Лигулярияли – шаирзор, пастликларда лигулярияли ўтлоқ аралаш, тошли ёнбағирларда бутали – шаирзор; **8. (5-4.)** Бошоқўтли – аралашўтли – шаирли – шаширзор, аралашўтли – торонзор, аралашўтли – шаирзор, тоғарпа аралаш, харсанг тошли уюмларда сийрак аралаш бутазор; **9. (5-5.)** Бутали – аралашўтли – шаширли – шаирзор, тош – шағалли ёнбағирларда сийрак ўтлоқзор; **10. (6-2.)** Бошоқ ва аралашўтли – шаширли – арчазор, баъзи жойларда буталар аралашган, тош – шағалли тик ёнбағирларда аралашўтли – торонзор;

**Оҳангарон дарёси ҳавзасининг
ўсимликлар қоплами
ХАРИТАСИ
М1:200000**



2-расм. Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қопламининг харитаси

11. (10-4.) Аралашўтли – буғдойикли – арчазор, айрим ерларида бута аралаш, жанубий ёнбағирларда буғдойикли – шаирли – арчазор, тик жанубий ёнбағирларда арча аралаш дарахт ва бутазор; 12. (10-8.) Аралашўтли – шаширли – аралаш бутазор, баъзи жойларда зарафшон арчаси аралаш; 13. (11-4.) Шимолий тик ёнбағирларда рангли – шувоқли – арчазор, текис ёнбағирларда шувоқли – буғдойикли – арчазор, бутали - аралаш ўтли-шувоқли – арчазор, жанубий ёнбағирларда буғдойикли – бутазор аралаш; 14. (15-1.) Шимолий ёнбағирларда йирик бошоқ ва аралашўтли – бутали – дарахт аралаш – дўланазор, айрим жойларда дарахт ва буталар аралашган, жанубий ёнбағирларда шаирли – бутазор, сув айирғичларда тоғ арпа, буғдойик жамоалари, баъзи жойларда зарафшон арчаси учрайди; 15. (15-2.) Тик ёнбағирларда бошоқ ва аралаш ўтли – бутазор, сийрак холда дарахт ва буталар аралаш учрайди, жанубий ёнбағирларда бутали – буғдойикли – аралашўтзор; 16. (15-3.) Аралашўтли – шаширли – йирик бошоқўтли – аралаш бутазор, баъзи жойларда дўлана, заранг, зирк иштирокидаги, сув айирғичлари ва ётиқ қия ёнбағирларда тоғ арпа аралаш; 17. (18-2.) Аралашўтли – йирик бошоқўтзор, баъзи жойларда буталар аралашган, сийрак дарахтлар иштирокида. Тик ёнбағирларда дарахтли – бутазор, айрим ерларда Зарафшон арчаси, баъзи жойларда буғдойикли – пистазор аралаш сийрак ўрмонлар, эфемерли – бодомчазор, шағалли ва тошли жанубий ёнбағирларда буғдойикли - шаирзор; 18. (18-26.) Баъзи жойларда тошқакразор тарқалган; 19. (18-3.) Аралашўтли – буғдойикзор, баъзи жойларда бута аралаш ва сийрак дарахтлар, эфемерли – тоғ арпазор аралаш, айрим ерларда аралаш ўтли – эфемерли – бузоқчиргзор учрайди; 20. (19-5.) Эфемерли – тоғарпали – буғдойикзор, баъзи жойларда бута аралаш учрайди, эфемерли – тоғарпали – ширинмияли – буғдойикзор, эфемерли – карракзор, айрим ерларда эфемерли – бузоқчиргзор; 21. (19-7.) Аралашўтли – тоғарпазор; 22. (27-9.) Партов ерларда лалми экинлар аралаш бир йиллик бошоқзорлар; 23. (87-3.) Қамишли – юлғунзор, чекка ерларида шўрали – шўражриқли – юлғунзор, шўрали – шувоқли - юлғунзор, шўрали – шувоқли янтоқзор; 24. (91) Лалми экинзорлар; 25. (92) Суғориладиган ерлар.

Диссертациянинг бешинчи боби “**Оҳангарон дарёси ҳавзасида кенг тарқалган ўсимлик жамолари**” га бағишланган ва унда фитоценологик аҳамияти, флористик таркиби, ўсимликлар қопламидаги доминат турларнинг муҳитга таъсир кўрсатиш (эдификаторлик) хусусияти, трансформация даражаси ва хўжалиқдаги аҳамиятига кўра танлаб олинган жамоаларнинг тавсифи, ҳозирги ҳолати баён этилган. Мазкур бобда антропоген омиллар таъсирига кўпроқ учраган жамоларга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги вақтда рангзор ва эфемерзорларнинг катта қисми ўзлаштирилган бўлиб, лалми ва суғориладиган экинзорларга айлантирилган. Оҳангарон дарёси адирларидаги яйловлар асосан аралаш ўтли - буғдойикзорлардан иборат бўлиб, улар ҳозирги кунда 82250 гектарни ташкил қилади. Мазкур типга мансуб табиий ландшафтларнинг кичик майдонлари Шовозсойнинг ўн қисмида, Қорабошсой ҳавзасида учрайди ва ҳосилдорлиги мониторинг

майдонларида ўртача 3.5–5.5 ц ташкил этади.

Оҳангарон дарёси ҳавзасининг Ақча, Сувзамчи, Қайнар, Қорахитой, Четсу, Тошбулоқ, Қўйтош, Бақсуқ, Урғоз, Турк қишлоқлари атрофларидаги эфемероидли-аралаш бутали сийрак пистазорлар (*Pistacia vera* L., *Crataegus turkestanicus* Kom., *Amygdalus spinosissima* Bunge, *A. petunnikovii* Litv., *Carex pachystylis* J. Gay) ҳозирги кунга келиб 150 гектар майдонга қисқарган ва бу ўсимлик жамоаларининг таркиби тўлалигича трансформацияга учраган. Ўрнига буғдойиқлар кириб келмоқда. Оҳангарон дарёси ҳамда унинг деярли барча йирик ирмоқларидаги, хусусан, Қорабошсой, Ақчасой, Қорабоғсой, Дукентсой, Четсу, Каттасой, Урғоз, Гушсой, Нишбошсой, Шовассой, Наугарзансой, Ларек, Лашкерексой ва Қамчиқсой атрофларида *Populus pruinosa.*, *Salix alba.* турлари эдификаторлик қилган тўқайзорлар 120 гектарга қисқарган. Бу жамоалар аҳоли томонидан тўлиқ ўзлаштирилган.

Оҳангарон дарёси ҳавзасининг юқори қисмидаги аралаш бутазор ва арчазорларнинг майдони 9980 га дан 4860 га камайгани (қарийб 50%) аниқланди. Бу жамоалар таркибига *Eremurus regelii* ва *Iris korolkovi* кириб келмоқда.

Шунингдек, Кўкорол қишлоғи атрофидаги 120 гектар майдон учун келтирилган фарғона шuvoғи (*Artemisia ferganensis* Krasch. ex Poljakov) доминантлик қилган жамоалар бутунлай йўқолиб кетганлиги ва ўрнига *Artemisia dracunculus* келиб майдони кенгайганлиги аниқланди.

Бу жараён нафақат доминат ўсимлик турлари эгаллаб турган майдонларнинг қисқариши, балки унинг таркибидаги ўсимлик турлари хилма-хиллигини камайиши ва айна пайтда адвентив турлар қаторининг кенгайиб бориши уйғунлигида давом этмоқда.

Ҳавзада кенг тарқалган қуйидаги формациялар таркибининг адвентив турлар ҳисобига пайҳонланиш даражаси аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Кенг тарқалган формациялар ва уларнинг пайҳонланиш даражаси

Формациялар	Пайҳонланиш даражаси (%)	Адвентив турлар таркиби
Қилтиқзор	75% гача	<i>Acroptilon repens</i> , <i>Cichorium intybus</i> , <i>Carthamnus oxyacanthus</i> , <i>Convolvulus arvensis</i> , <i>Dodartia orientalis</i> , <i>Turgenia latifolia</i> , <i>Plantago lanceolata</i> , <i>Vexibia pachycarpa</i> , <i>Verbascum songoricum</i> , <i>Hyoscyamus niger</i> , <i>Centaurea solstitialis</i> , <i>C. iberica</i> , <i>C. squarrosa</i>
Ялтирбошзор		
Қуёнарпазор	35–75	<i>Achillea biebersteinii</i> , <i>Acroptilon repens</i> , <i>Convolvulus pilosellifolius</i> , <i>Centaurea iberica</i> , <i>Cichorium intybus</i> , <i>Cirsium arvense</i> , <i>Peganum harmala</i> , <i>Psoralea drupacea</i> , <i>Verbascum songoricum</i>
Буғдойиқзор		
Бузоқчиргзор	35–75	<i>Vexibia pachycarpa</i> , <i>Perovskia angustifolia</i> , <i>Heliotropium lasiocarpum</i> , <i>Centaurea iberica</i> , <i>Centaurea squarrosa</i>
Аралаш дарахт ва	35–55	<i>Anthemis candidissima</i> , <i>Cousinia umbrosa</i> ,

бутазорлар		<i>Crambe orientalis, Convolvulus subhirsutus, Eremurus regelii, Sonchus arvensis</i>
Қораарчазор	35–60	<i>Iris korolkovii, Haplophyllum perforatum, Plantago lanceolata, Lactuca scariola, Eremurus regelii</i>
Бетагазор	35–75	<i>Eremurus regelii, Prangos pabularia Verbascum songoricum, Polygonum biaristatum</i>
Шашир ва шаирзорлар	35–50	<i>Artemisia dracunculus, Clementsia semenovii, Cirsium semenowi, Verbascum songoricum</i>

Юқорида келтирилган ўсимлик формацияларидаги пайҳонланиш даражаси ва пайҳонловчи омиллар тадқиқот йиллари давомида ташкил этилган мониторинг майдонларида антроподинamik каторлар ташланиши орқали ўрганилди. Олинган натижалар чоп этилган адабиёт маълумотлари ва йўналишга доир тематик хариталар билан солиштириш натижасида аниқланди. Чўллантирувчи омиллар, асосан, чорва моллари сонининг меъёридан кўплиги (2-3 марта), аҳоли турар жойлари учун ерларнинг ўзлаштирилиши, кўмир конлари ва карьерларнинг кенгайтирилиши, йўлларнинг қурилиши, дарахт ва буталарни кесиш каби омиллар – табиий ўсимликлар қопламининг тарихан ташкил топган мувозанатининг бузилишига олиб келувчи механизмлар ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

«Оҳангарон дарёси ҳавзасининг ўсимликлар қоплами» мавзусидаги фалсафа доктори диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Оҳангарон дарёси ҳавзаси 69 та оила, 304 та туркум, 725 турдан иборат. Флорадаги 37 тур Ўзбекистон Республикасининг “Қизил китоби” га киритилган ва ГАТ хариталари тузилган.

2. Ҳавза ўсимлик жамоаларининг тур таркибини ҳосил қилишда Asteraceae (109 тур), Fabaceae (86), Brassicaceae (53), Poaceae (46), Rosaceae (51), Ranunculaceae (28), Lamiaceae (34), Polygonaceae (26), Apiaceae (26), Caryophyllaceae (31) оила турлари етакчилик қилади. Бу эса шу оила вакиллари ташқи муҳитнинг қулайлиги билан изоҳланади.

3. Ўсимлик жамоалари таркибида 9 та биоморфологик гуруҳлар мавжудлиги аниқланиб, уларнинг ҳаётий шаклларига кўра: дарахтлар – 34, буталар – 59, яримбуталар – 25, бутачалар – 10, яримбутачалар – 10, кўп йиллик ўтлар – 369, икки йиллик ўтлар – 24, бир-икки йиллик ўтлар – 8, бир йилликлар – 186 турдан иборат эканлиги қайд этилди. Ўсимликлар қопламида кўп ва бир йиллик ўт ўсимликлар сонининг кўплиги (565 ёки 78%) Ўрта Осиё тоғларига хос қонуниятдир. Бу эса уларнинг Ўрта ер денгизининг шарқий қисми флорасига ўхшашлигидан дарак беради.

4. Оҳангарон ҳавзаси ҳудудида *Botriochloa ischaemum* (L.) H. Keng доминантлик қиладиган Бузоқчиргзор формацияси (*Botriochloeta ischaemi*) мавжуд эканлиги биринчи мартаба аниқланди. Бу формациянинг вужудга

келиш сабаби ташқи муҳитнинг биотик омиллари билан боғлиқдир.

5. Ҳавза ўсимликлар қоплами учун антропоген сукцессия жараёнларининг давом этаётганлиги хосдир. Айниқса бу жараён пистазорлар, аралаш бутазор ва арчазорлар, шувқозорларда, эфемерзорларда жадал равишда кечмоқда. Трансформация ушбу жамоалар ўрнига бугдойиқзорлар, шеролғинзорлар, ирисзорлар, ширачзорлар, какразорлар жамоаларнинг кириб келиши ва улар кенгайиши билан изоҳланади.

6. “Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қоплами”нинг йирик масштабдаги харитаси (М 1:200 000) тузилди ва кўп босқичли изоҳи ишлаб чиқилди. Харита 25 та картографик бирликлардан иборат. Харита 93 ассоциация, 21 формация, 13 ценотипларнинг 4 та типнинг тик минтақалар бўйлаб ўзига хос тарқалишини акс эттиради

7. Қилтиқзор, ялтирбошзор, куёнарпазор, бугдойиқзор, бузоқчиргзор, аралаш дарахт ва бутазорлар, қораарчазор, бетагазор, шашир ва шаирзорлар тарқалган формацияларнинг 34 адвентив турлар асосидаги трансформация даражаси 35-75%ни ташкил этади. Ушбу формациялар таркибидаги адвентив турлар сонининг хилма-хиллиги ҳудудда турли антропоген прессинг шакллари мавжудлигини англатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АЗИМОВ ИБРАГИМЖОН ТОШПУЛАТОВИЧ

РАСТИТЕЛЬНЫЙ ПОКРОВ БАССЕЙНА РЕКИ АХАНГАРАН

03.00.05–Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/B183.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.floruz.uz) в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: **Тожибаев Комилжон Шаробитдинович**
доктор биологических наук, академик

Официальные оппоненты: **Ташханим Рахимова**
доктор биологических наук, профессор
Раджабов Тошпулат Файзуллаевич
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Джиззакский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «3» августа 2018 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.B.39.01 при Институте Ботаники и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института Ботаники. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, e-mail: botany@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Ботаники (зарегистрировано за №30). Адрес: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан «13» июля 2018 года.
(реестр протокола рассылки №6 от «13» июля 2018 года).

О.К. Хожиматов
Заместитель председателя научного совета
по присуждению учёных степеней, д.б.н.

Б.А. Адилов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.б.н., старший научный сотрудник

Ф.О. Хасанов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Интенсивный рост населения и освоение человечеством больших площадей земли приводят к сокращению и уничтожению природных, в том числе, и разнообразия растительных ресурсов. В этом отношении, антропогенная трансформация естественного растительного покрова считается важным показателем деградации растительных ресурсов. А это, в свою очередь, определяет необходимость выявления антропогенных сукцессивных процессов в растительном покрове и разработка мер борьбы против них. В связи с этим, обоснование происходящих в природном растительном покрове изменений и оценка современного их состояния имеют важное научно-практическое значение.

В мире особое внимание уделяется исследованиям, проводимым по характеристике состава локальных растительных покровов, оценке ресурсоспособности растительных покровов, мониторингу происходящих в растительном покрове процессов. Особенно, определение происходящих в растительных покровах изменений в зонах с сильным антропогенным прессингом способствует правильному обоснованию сукцессивных процессов с комплексом природно-географических и антропогенных факторов. В этом отношении, бассейн реки Ахангаран, расположенный между Чаткальскими и Кураминскими горными хребтами Тянь-Шаня – один из центров растительного биоразнообразия Центральной Азии, с одной стороны, отличается наличием растительных типов, характерных для всех высотных поясов Средней Азии. С другой стороны, наличие в районе съемки исторически сложившегося антропогенного прессинга определяет необходимость проведения исследований по полной инвентаризации растительного покрова бассейна реки Ахангаран и оценке изменений в фитоценоотическом разнообразии путем применения современных методов картографии. В связи с этим, характеристика современного состояния растительного покрова, выявление его степени трансформации и картирование растительного покрова бассейна реки Ахангаран имеют важное научно-практическое значение.

В республике особое внимание уделяется оценке состояния растительных покровов, проведению геоботанических исследований в пастбищах и сенокосах, восстановлению или консервации ухудшенных и деградированных земель. В данном направлении, достигнуты значительные важные результаты по составлению карт растительного покрова крупных горно-лесных заповедников, оценке состояния пустынных пастбищ, практическому улучшению деградированных пастбищ. В постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка определения границ административно-территориальных единиц, инвентаризации земельных ресурсов и проведения

геоботанических обследований пастбищ и сенокосов»¹ поставлена задача «проведение геоботанических исследований с целью предотвращения деградации пастбищ и сенокосов». Исходя из этих задач, в том числе, выявление фитоценотической структуры растительного покрова бассейна реки Ахангаран, оценка степени трансформации, установление перспектив рационального использования растительными покровами, составление инвентаризационных карт и внедрение их в практику имеют важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан №409 «Об охране и использовании растительного мира» от 21 сентября 2016 года, Указом Президента Республики Узбекистан УП-5209 «О мерах по развитию космических исследований и технологий в Республике Узбекистан» от 12 февраля 2018 года, постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №299 «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка определения границ административно-территориальных единиц, инвентаризации земельных ресурсов и проведения геоботанических обследований пастбищ и сенокосов» от 23 апреля 2018 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики: Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

